



International
Labour
Organization

Ўзбекистонда 2019 йил пахта терими давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги



EUROPEAN UNION



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



Implemented by

giz
German Technical Cooperation
www.giz.de



WORLD BANK GROUP

Қисқа маълумот


2019 йилдаги пахта теримида Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида катта ютуқларни намойиш этишда давом этди. Олдинги йиллардаги каби, қонуний меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган болаларнинг пахта терганининг саноқлигина ҳолатлари бўлган. Терим даврида мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг сони 2018 йилга нисбатан 40 фоизга камайди.

- ХМТ Ўзбекистондаги пахта теримида энди болалар меҳнати тизимли ёки доимий равишда ишлатилмаётганлигини кузатиши давом этмоқда. Мактаб ўқувчилари ва талабалар пахта теримида сафарбар қилинмаган; бироқ болалар меҳнатининг чекланган ҳолатлари ҳали ҳам рўй бермоқда.
- 2019 йилги пахта терими даврида мунтазам равишда мажбурий меҳнат содир бўлмаган. Ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва таъсири кўрсатишда давом этишмоқда; маҳаллий даражада ижрога боғлиқ муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Кузатувчилар тўсқинликсиз ва махфий равишда ишлаш имкониятига эга бўлишди.
- 2019 йилда пахта теришга мажбур қилинганлар сони янада камайди. Шунга қарамай, анчагина мажбурий меҳнат ҳолатлари кузатилди, бу эса қишлоқ хўжалигида мажбурий меҳнатни жалб қилишга олиб келадиган анъанавий тизимлар ҳали тўлиқ йўқ қилинмаган деган ҳулосага олиб келади.
- 2019 йилда қарийб 1,75 миллион киши (меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 12,5 фоизи) пахта теримида қатнашган. Теримчиларнинг аксарияти теримда ихтиёрий равишда қатнашган, аммо 102 мингга яқин киши¹ (5,9 фоиз¹) мажбурлашнинг шаклларида бирига дуч келишган. Бу 2019 йилда мажбурланган теримчилар сони 40 фоизга камайганлигини англатади.
- Қўйидаги графикдан кўриниб турибдики, пахта теримида жалб қилинган шахсларнинг умумий сони ҳам қисқаришда давом этмоқда, бу асосан пахта етиштиришнинг қисқартирилиши ва аста-секин механизациянинг жорий қилинишининг натижасидир.
- Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, мажбурий меҳнатни қисқартириш суръати ўтган йилларга нисбатан бироз секинлашган. Бундай «текисланиш» янги меъерий ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг ва улар жорий қилинганидан кўп ўтмай сезиларли таъсир кўрсатгандан кейинги одатий ҳолдир. Мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг давом этиши "қамраб олиш қийин бўлган ҳудудлар"га хос ёки ўзгариши қийинроқ бўлган баъзи амалиётлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.
- Шу сабабли ҳукумат 2020 йилда мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадига тўлиқ эришиш ҳамда пахтачиликда ва ривожланаётган тўқимачилик ва тикувчилик соҳаларида меҳнатга оид асосий тамойиллар ва ҳуқуқларини илгари суриш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириши керак.
- Ҳукумат томонидан жорий этилаётган ислохотлар мажбурий меҳнат билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш ва шу билан бирга зарур бандлик учун имкониятларни яратиш имкониятларига эга. Иқтисодий ўсиш таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва бошқа соҳаларда келгусидаги ислохотларни амалга оширишга имкон беради. Ушбу ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши зарур.
- Савдо ва инвестиция соҳасидаги масъулиятли халқаро инвесторларнинг қарорлари марказий режалаштирилган иқтисодий меросининг янада барҳам берилиши учун фойда келтириши мумкин. Шунингдек, улар халқаро меҳнат стандартларига риоя қилинишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, агар тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ҳамда иқтисодийнинг бошқа қисмларида тўлиқ вақтли муносиб иш ўринлари кўпайса, бу кўпинча адолатсиз ёллаш амалиётига манба бўлувчи мавсумий меҳнатга талабнинг чўққиларини қисқартириши мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг таъсири

- Экинларни диверсификация қилиш ва пахта етиштиришни камайтиришга қаратилган қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар **мажбурий меҳнатни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда**.
- 2018 - 2019 йилларда пахта хом ашёсининг камроқ етиштирилиши ва механизациянинг босқичма-босқич жорий этилиши ихтиёрий ва мажбурий теримчиларнинг умумий сонининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди.
- Мажбурий ишчиларнинг улуши пахта теримчиларининг умумий сонига нисбатан тезроқ камайди.

1 диаграмма: Пахта ҳосили, иш кучи ва мажбурланган теримчилар (2015-2019 йиллар)




- "Давлат буюртмаси" тизимида ишлаб чиқариш ресурслари учун давлат томонидан молиялаштирилувчи фермерлар учун ишлаб чиқариш режаси белгиланиб, уларга давлат томонидан ёлланган теримчилар берилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигидаги стратегиясида бу тизимни бекор қилиш кўзда тутилган.
- Ҳукумат давлат буюртмаси тизимини бозор тамойилларига асосланган моделга алмаштириб, унда зарур кафолатлар, шу жумладан, адолатли ишга ёллаш амалиёти ва муносиб иш ҳақи билан таъминланишига интиломоқда. Бу шунингдек, теримнинг охирида белгиланган режани бажариш учун теримчиларни сафарбар қилиш амалиётига барҳам беради.

Иш ҳақи ва меҳнат шaroитлари

ХМТ кузатувчилари иш ҳақи олдинги ҳосилга нисбатан ошганлигини тасдиқлашди. Умуман олганда, пахта терувчилар ўз маошларини ўз вақтида ва тўлиғича олишган.


Ўртача ҳар бир теримчи **23 кун қатнашди** ва ўрта ҳисобда 2,2 миллион сўм иш ҳақи олди. Ўттиз саккиз фоиз теримчилар ушбу маош уларнинг йиллик пул шаклидаги даромадларининг 100 фоизини ташкил этишини айтишди

2-диаграмма: Маошлар ва мажбурий меҳнат ҳиссаси фоизда (2015-2019 йиллар)




- Теримчиларнинг аксарияти 2018 йилдан буён иш шaroитлари яхшиланганини айтишди. Атиги 3 фоиз шaroит ўтган йилдагидан ёмонроқ эканлигини айтишди. Бу транспорт, озиқ-овқат, ичимлик суви таъминоти, санитар-гигиена ва бошқа шaroитларга тааллуқлидир.

Мен 2018 йилда пахта термаганман




Ишга ёллаш каналлари ва теримчиларнинг характеристикаси


- Теримчиларнинг **59,3** фоизи аёллар ва **40,7** фоизи эркеклар бўлди. Теримчиларнинг 75,5 фоизи қишлоқ ҳудудлардан; 24,5 фоизи шаҳарлардан келишган. 44,7 фоизи бошқа вояга етган оила аъзолари билан пахта теришга келишган.



■ Аёл
■ Эркак



■ Қишлоқ
■ Шаҳар



■ Оилавий
■ Якка

- Талабалар, ўқитувчилар, ҳамширалар ва шифокорларни ёллашга тақиқ маҳаллий даражада тизимий равишда жорий этилиб, бажарилди.
- Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг 2019 йил ҳосилига жалб қилинганлиги ҳолатлари бўлди. ХМТ кузатувчилари уларга **пахта терими учун ҳақ тўланганлигини** тасдиқлашди. Ҳарбий хизматчиларни пахта теришда ишлатишни ҳарбий ҳаракат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Аксинча, бу иқтисодий ривожланиш мақсадида иш кучини сафарбар қилиш усули сифатида қўлланилган бўлиб туюлмоқда ва шу сабабли Халқаро меҳнат ташкилотининг мажбурий меҳнатга оид конвенцияларида тақиқланган. Кузатувчиларга шундай тушунтириш бериладики, хусусийлаштириш амалга оширилаётган пайтда муддатли ҳарбий хизматчилар баъзи вилоятларда вақтинча чора сифатида қўлланилган.

Ҳуқуқ муҳофазаси

- 2019 йилда Ҳукумат қонун ҳимоясига қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтирди. **Меҳнат инспекторлари сони икки баравар**, 200 тадан 400 тагача оширилди. Меҳнат инспекцияси 2019 йил пахта терими даврида 1282 мажбурий меҳнат ҳолатларини текширди.
- 2019 йилда мажбурий меҳнат учун жарималар 2018 йилга нисбатан 10 баравар оширилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **259 давлат мансабдор шахсларини, ташкилот раҳбарлари ва амалдорларини** 2019 йил теримида мажбурий меҳнатга оид қонунбузарликлар учун жазолаб, асосан жаримага тортишни қўллади.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси 2019 йил декабр ойида мажбурий меҳнатга учун жиноий жавобгарликни жорий этди ва янги қонун 2020 йил январ ойида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди. Ҳозирча бирор иш судга оширилгани йўқ.

Фуқаролик жамияти ва журналистлар

- Мустақил **фуқаролик жамияти фаолларининг таъкидлашича**, улар **2019 йил теримини кузатиш** ва мажбурий меҳнатга қарши ўз фаолиятини юритишда эркин бўлиб, тўсқинликка дуч келишмади. Таъқиб қилиш ёки қўрқитиш тўғрисидаги даъволар мажбурий меҳнат ёки пахта терими билан боғлиқ эмас.
- Ҳукумат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқот 2019 йилда давом этди.** Фаоллар янги Мажбурий меҳнат ва одам савдосига қарши кураш бўйича миллий комиссия аъзоллигига таклиф қилинди. Бироқ, фаоллар ўз фуқаролик жамияти ташкилотларини Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилганда ҳали ҳам тўсиқларга дуч келмоқдалар.
- Ўзбекистон **оммавий ахборот воситалари 2019 йилда мажбурий меҳнатга оид муаммоларни фаол ёритишди.** Ҳукумат журналистлар ва блогерларни мажбурий меҳнатга оид ишларни танқидий ёритишга даъват этди.

1) Рақамлар юқорига / пастга яхлитланган бўлиши мумкин. Ҳисоб-китобларни қандай бажарилганлиги ҳақида ҳисоботнинг услубиёт (методология) бўлимига қаранг